

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
Тўлик:		“UTBANK” акциядорлик жамияти						
Қискартирилган:		“UTBANK” АЖ						
Биржа тикерининг номи:*								
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 15/АБВ						
	Почта манзили:	100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 15/АБВ						
	Электрон почта манзили:*	utbank@utbk.com						
	Расмий веб-сайти:*	www.utbank.uz						
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:	08						
	Муҳим фактнинг номи:	Кузатув кенгаши таркибидаги ўзгаришлар						
	Шахснинг ваколати тугатилган ҳолларда							
	№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқноми	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
					тури	сони	жой	лавозим
	1.	Мухаррем Қарсли	«UTBANK» АЖ	Кенгаш раиси ўринбосари	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Банк Кенгаши раиси
	2.	Муса Арда	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Банк раиси ўринбосари
	3.	Бурак Қантўғли	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Департамент бошлиғи
	Шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда							
	№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқноми	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
					тури	сони	жой	лавозим
	1.	Булент Суер	«UTBANK» АЖ	Кенгаш раиси ўринбосари	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Бошқарув раиси ўринбосари
	2.	Алтан Гулер	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Чакана кредитлар бошқармаси бошлиғи

3.	Темел Тайяр Ешил	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Katilimi Bankasi	Ходим
Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қилган органи:						Акциядорлар умумий йиғилиши	
Қарор қабул қилинган сана:						18.08.2017	
Баённома тузилган сана:						25.08.2017	
Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари**							
Ўзгаргандан сўнг кузатув кенгашининг таркиби							
№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
				тури	сони	жой	лавозим
1.	Маматкулов Рустам Ўктамович	«UTBANK» АЖ	Кенгаш раиси	0	0	«Агробанк» АТБ	Бошқарув раиси ўринбосари
2.	Булент Суер	«UTBANK» АЖ	Кенгаш раиси ўринбосари	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Бошқарув раиси ўринбосари
3.	Алтан Гулер	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Bankasi A.Ş.	Чакана кредитлар бошқармаси бошлиғи
4.	Шеров Абдурахмон Саттарович	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	«Агробанк» АТБ	Департамент бошлиғи
5.	Халиков Рустам Тўлқунович	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	«Агробанк» АТБ	Департамент бошлиғи
6.	Темел Тайяр Ешил	«UTBANK» АЖ	Кенгаш аъзоси	0	0	Ziraat Katilimi Bankasi	Ходим

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Умаралиев Ёдгор Мухаммаджонович

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

Собиров Хамидулла Хабибуллаевич

**Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.:**

Тангиров Ўлмас Нурбек ўғли



**«UTBANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
БАЁННОМАСИдан КЎЧИРМА**

2017 йил 18 август
соат 15:00

Тошкент ш.
Бунёдкор кўч. 15/Б

«UTBANK» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - «Банк») акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган вакиллар ва акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 40 920 000 дона. Жами банк томонидан жойлаштирилган овоз берувчи акциялар сони 40 920 000 дона. Йиғилиш кворуми 100 фоиз.

Қатнашдилар:

Йиғилиш раиси

: Маматқулов Рустам Ўктамович

Акциядорлар вакиллари

: Шеров Абдурахмон Саттарович
: Эржан Булут

Бошқарув аъзолари

: Умаралиев Ёдгор Мухаммаджанович
: Нусреттин Эврен Ашан
: Собиров Хамидулла Хабибуллаевич

Юридик бошқармаси бошлиғи
Банк ходимлари

: Татьяна Тигай
: Нуриев Азиз
: Тожиев Искандар
: Хакимова Хурият
: Тангиров Ўлмас

Акциядорлар Умумий йиғилишида Банк акциядорлари (49,98% улуши билан) Зираат Банкаси А.Ш. номидан, мазкур банкнинг 2017 йил 11 августдаги 33962/9-сонли хат билан берилган ишончномага асосан Эржан Булут, (0,02% улуши билан) Зираат Банк Интернешнл А.Г. номидан, мазкур банкнинг 2017 йил 14 августдаги ишончномасига асосан Эржан Булут, (50% улуши билан) «Агробанк» АТБ номидан, ушбу банкнинг 2017 йил 9 августдаги (05-22/399) 70-сонли ишончномасига асосан Шеров Абдурахмон Саттарович қатнашдилар.

Йиғилишни Банк Кенгаши раиси Маматқулов Рустам Ўктамович очди ва банк акциядорлари умумий йиғилишининг регламенти, раёсати ҳамда котибини сайлашни таклиф этди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорлари Умумий йиғилишининг раёсатига Маматқулов Рустам Ўктамович, Шеров Абдурахмон Саттарович, Эржан Булут ҳамда йиғилиш котиби этиб Азиз Нуриев сайлансин.

(Бир овоздан маъқулланди)

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси Маматқулов Рустам Ўктамович - банк акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссиясини сайлаш тўғрисида.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда сайлансин:

Хакимова Хуррият – бўлим бошлиғи
Тожиев Искандар – бўлим бошлиғи
Тангиров Ўлмас – етакчи мутахассис

Юқоридаги номзодлар очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси Маматкулов Рустам Ўктамович – банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқлансин:

Йиғилиш кун тартиби:

1. Банк Кенгаши айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.
2. Банк Кенгашига янги номзодларни сайлаш.
3. Банк тафтиш комиссияси айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.
4. Банк тафтиш комиссиясига янги номзодларни сайлаш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича Банк Кенгашининг айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи бўйича Банк Бошқаруви раиси Эржан Булут ахборот берди.

Ziraat Bankasi A.Ş. «UTBANK» АЖ Кенгаши аъзолари Мухаррем Қарсли, Муса Арда ва Бурак Қантўғлининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқишини билдирган.

Мазкур масала Банк Кенгашининг 01.08.2017 йилдаги 133-мажлисида кўриб чиқилиб маъқулланган ва қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишига чиқарилган.

Йиғилиш раиси томонидан мазкур масала овозга қўйилди.

Тарафдорлар – 40.920.000 овоз Қаршилар - йўқ Бетарафлар - йўқ

Қабул қилинган қарор:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 65-моддаси ва Банк уставига кўра «UTBANK» АЖ Кенгаши аъзолари Мухаррем Қарсли, Муса Арда ва Бурак Қантўғлининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала бўйича Банк Кенгашига янги номзодларни сайлаш масаласи бўйича Банк Кенгаши раиси Маматкулов Рустам Ўктамович ахборот берди.

Банк уставининг 13.3 бандига асосан Банк Кенгаши аъзоларининг сони 6 (олти) кишидан иборат. Банк Кенгаши раиси «Агробанк» АТБнинг, Банк Кенгаши раиси ўринбосари эса Т.С. Ziraat Bankasi A.Ş. тақдимномасига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадилар.

Банк Кенгашининг тўрт нафар аъзолари қуйидаги номзодлар орасидан сайланадилар:
икки нафар вакил Т.С. Ziraat Bankasi A.Ş. томонидан

икки нафар вакил «Агробанк» АТБ томонидан.

Банк Кенгашининг аъзолари қонунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

«UTBANK» АЖ Кенгаши таркибига Ziraat Bankasi A.Ş. Бошқарув раиси ўринбосари – Булент Суер, Чакана кредитлар бошқармаси бошлиғи – Алтан Гулер ва Ziraat Katilimi Bankasi ходими – Темел Тайяр Ешиллар Ziraat Bankasi A.Ş. томонидан номзодлар сифатида кўрсатилганлиги маълум қилинди.

Мазкур масала Банк Кенгашининг 01.08.2017 йилдаги 133-мажлисида кўриб чиқилиб маъқулланган ва қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишига чиқарилган.

Йиғилиш раиси томонидан мазкур масала овозга қўйилди.

Тарафдорлар – 40.920.000 овоз Қаршилар - йўқ Бетарафлар - йўқ

Қабул қилинган қарор:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 65-моддаси ва Банк уставига кўра кумулятив овоз бериш натижалари асосида «UTBANK» АЖ Кенгаши таркибига қуйидаги янги аъзолар сайлансин:

Булент Суер – Кенгаш раиси ўринбосари;

Алтан Гулер – Кенгаш аъзоси;

Темел Тайяр Ешил – Кенгаш аъзоси.

2. «UTBANK» АЖ Кенгашининг янги таркиби қуйидагича белгилансин:

Маматқулов Рустам Ўктамович

Булент Суер

Алтан Гулер

Шеров Абдурахмон Саттарович

Халиков Рустам Тўлқунович

Темел Тайяр Ешил

Кенгаш раиси;

Кенгаш раиси ўринбосари;

Кенгаш аъзоси;

Кенгаш аъзоси;

Кенгаш аъзоси;

Кенгаш аъзоси.

Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала бўйича Банк тафтиш комиссияси айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи бўйича Банк Бошқаруви раиси Эржан Булут ахборот берди.

Ziraat Bankasi A.Ş. «UTBANK» АЖ Тафтиш комиссиясининг аъзолари Атакан Бекташ ва Волкан Гуналларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқилишини билдирган.

Мазкур масала Банк Кенгашининг 01.08.2017 йилдаги 133-мажлисида кўриб чиқилиб маъқулланган ва қарор қабул қилиш учун умумий йиғилишга чиқарилган.

Йиғилиш раиси томонидан мазкур масала овозга қўйилди.

Тарафдорлар – 40.920.000 овоз Қаршилар - йўқ Бетарафлар - йўқ

Қабул қилинган қарор:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 65-моддаси ва Банк уставига кўра

«UTBANK» АЖ Тафтиш комиссиясининг аъзолари Атакан Бекташ ва Волкан Гуналларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 4-масала бўйича Банк Кенгашига янги номзодларни сайлаш масаласи бўйича Банк Кенгаши раиси Маматқулов Рустам Ўктамович ахборот берди.

Банк уставининг 16.2 бандига асосан Тафтиш комиссияси аъзолари 4 (тўрт) кишидан иборат. Тафтиш комиссияси аъзолигига «Агробанк» АТБ ва Т.С. Ziraat Bankasi A.Ў. томонидан тавсия этилган номзодлар сайланади. Айти бир шахс айти Банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

«UTBANK» АЖ Тафтиш комиссияси таркибига Ziraat Bankasi A.Ў. ҳуқуқшуноси – Мухсин Узар ва Кредит ва ташки савдо амалиётлари бошқармаси бошлиғи – Али Эртугрул Акфиратлар Ziraat Bankasi A.Ў. томонидан номзодлар сифатида кўрсатилганлиги маълум қилинди.

Мазкур масала Банк Кенгашининг 01.08.2017 йилдаги 133-мажлисида кўриб чиқилиб маъқулланган ва қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишига чиқарилган.

Йиғилиш раиси томонидан мазкур масала овозга қўйилди.

Тарафдорлар – 40.920.000 овоз

Қаршилар - йўқ

Бетарафлар - йўқ

Қабул қилинган қарор:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 65-моддаси ва Банк уставига кўра овоз бериш натижаларига асосан «UTBANK» АЖ Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги янги аъзолар сайлансин:

Мухсин Узар;

Али Эртугрул Акфират.

2. «UTBANK» АЖ Тафтиш комиссиясининг янги таркиби қуйидагича белгилансин:

Абдуллаев Азамат Комил ўғли;

Машарипова Хулкар Жонибековна;

Мухсин Узар;

Али Эртугрул Акфират.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлиги сабабли Йиғилиш раиси томонидан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Умумий йиғилиш котиби



Нуриев А. Ш.